Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 21-iyun. Payshanba ● 76 (31.508) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Шу йил 19 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. 20 июнь куни байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия раиси Ш.Мирзиёев бошқарди.

Қарорда таъкидланганидек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, одамларимиз, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани халқимиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган мустақиллик самарасидир.

Комиссия мажлисида ана шу муқаддас байрамга муносиб тайёргарлик кўриш ва уни халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдирадиган даражада ўтказиш, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, байрамга тайёргарлик ишларини аниқ тизим асосида ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қарорга мувофиқ, **«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!»** деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда амалга ошириш бўйича ҳар бир вилоят ва ҳудуд, вазирлик ва идоралар, меҳнат жамоалари, нодавлат ташкилотлар, маҳалла идоралари олдида турган вазифалар кўриб чиқилди.

Бу борада шаклланган ижобий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари Мустақиллик байрамини муносиб нишонлаш учун тегишли комиссиялар тузиши ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб бориш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Комиссия йиғилишида Тошкент шаҳрида ва жойларда ўтказиладиган байрам тадбирларига оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган мутахассислар, ижодий гуруҳлар, таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар, жамоатчилик вакилларини кенг жалб этиш ҳақида фикр юритилди.

Мажлисда байрам тадбирларини юзакилик ва баландпарвозликка йўл қўймасдан, одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган жонли ва таъсирчан шаклларда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА

Фракция фаолияти

Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ *масаласига бағишланди*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда учта қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Йиғилишда ЎзХДП фракцияси аъзолари, тегишли вазирлик, жамоат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида» 2011 йил 30 декабрдаги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2011 йил 30 декабрдаги қарорига асосан тайёрланган.

(Давоми 2-бетда.)

МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ ХИЗМАТГА ЙЎЛ

таълим масканидан бошланади

Тадбир

Мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимига малакали кадрлар етказиб беришда Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг алоҳида ўрни бор. Яқинда бу таълим масканида навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Унда Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов ёнғин хавфсизлиги хизматининг шакллариш, ривожланиш босқичлари, хавфу хатарларга қарамай, баъзан ўз ҳаётини қурбон қилиб, хизмат бурчини адо этган бу соҳа вакиллари ҳақида тўхталди. У битирувчиларга мурожаат этиб, ушбу олийгоҳда олган билимларига таянган ҳолда, халқимизнинг оғирини енгил қилиш, улар бошига кулфат тушганида яқиндан ёрдам бериб, моддий ва маънавий бойликларини ёнғиндан сақлаб қолиш, энг асосийси, инсонлар ҳаётини асраш-дек масъулиятли вазифаларни сидқидилдан адо этишга чақирди ва тантанали равишда дипломларни топширди.

Ҳар бир ёш лейтенант қўлига дипломини олар экан, ўктам овозда «Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!» дея ваъда берди. Уларнинг барча-барчаси бу сўзлар замирида олам-олам маъно мужассам эканлигини юрак-юракдан ҳис этиб туришарди.

Ота-оналар номидан сўз олган Азиза Муродова ёш лейтенантларни ҳамиша мард, ҳалол, фидойи бўлишга, хизмат бурчига содиқ қолишга чақирди.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан лейтенант Бекмурод Маҳмадқулов эса профессор-ўқитувчиларга миннатдорлик билдирди ва ўз касбига садоқат билан хизмат қилиш ҳар бир офицернинг бурчи, — деди.

Шаҳло БОБОЕВА,
ИИВ матбуот хизмати ходими.

ЎзХДП: маҳаллий кенгашларида

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

фаоллиги дастурий мақсадга эришишнинг муҳим шарти. Шу боис улар ишини кучайтириш, етакчилар салоҳиятини ошириш долзарб масала

Сиёсий партиянинг куч-қудрати, электорат орасига чуқур кириб бориши, аввало, қуйи ташкилотлар иши қандай йўлга қўйилганига боғлиқ. Қуйи бўғин иши тўғри ва тизимли ташкил этилса, партия сиёсий куч сифатида ўзини намоён этади ва жамият ҳаётида тутган мавқеи шунча ошади, аъзолар билан ишлаш усули ва кўникмаси такомиллашиб боради, сайловчилар ва электорат манфаати кучли ҳимоя қилинади. Бир сўз билан айтганда, кучли бошланғич ташкилот партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари рўёбга чиқишида муҳим ўрин тутади.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ўтказган **«Бошланғич партия ташкилотлари ишини такомиллаштириш масалалари: муаммолар ва келажакдаги вазифалар»** мавзусидаги давра суҳбатида қуйи бўғин ишини тўғри ташкил этиш, унинг замонавий механизмлари ҳақида фикр алмашилди.

2-бет

Бугунги сонда

Партиялараро баҳс
● ЭЛЕКТОРАТНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
либераллар томонга оғиш дегани эмас
2-бет

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти
● АСОСИЙ МАҚСАД — Ватанга фидойилик, унинг равнақи йўлида хизмат қилиш
2-бет

Хориж
● СУЯКНИ ҲАМ сунъий ўстириш мумкин
3-бет

Спорт
● ҲАКАМНИНГ ХАТОСИ
Англия — Украина терма жамоалари учрашуви тақдирини ҳал этди
4-бет

Хушхабар

ЭЛЛИК БЕШТА ЙЎЛЛАНМА

Алмати шаҳрида енгил атлетика бўйича Лондон олимпиадасига йўлланма берувчи яна бир йирик халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимиз ҳам муносиб иштирок этишди.

Моҳир спортчимиз Елена Смолянова ядро улоқтириш баҳсларида 17.68 метр натижа кўрсатиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Суҳроб Хўжаев эса босқон улоқтиришда 74 метру 20 сантиметр кўрсаткич билан олтин медалга сазовор бўлди. Енгил атлетикачиларимизнинг бу муваффақияти уларга шу йил 27 июль — 12 август кунлари Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмаларни тақдим этди.

Шундай қилиб, ер курраси-нинг ҳар тўрт йилда бўладиган энг нуфузли мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилувчи спортчиларимиз сони жами эллик беш нафарга етди. Жумладан, уларнинг ўн бир нафарини енгил атлетикачиларимиз ташкил қилади.

Диёра МАМЕТОВА

Миллий матбуот марказида

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар, истиқболдаги режалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказди. Унда соҳа мутахассислари, скрининг, перинатал, педиатрия ва репродуктив саломатлик марказларининг мутахассислари иштирок этди.

4-бет



Фракция фаолияти

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

масаласига бағишланди

Саттор РАҲМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— *Қонун лойиҳасига кўра, Меҳнат, Жиноят-ижроия, Солиқ кодекслари, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги, «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли моддалари ва муайян меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.*

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг такомиллашиши ва бу борадаги қонунларнинг мукаммаллашуви аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда ўз самарасини беради, жумладан, ЎзХДП электорати манфаатлари ҳимоя қилинишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама этилди.

Қонун лойиҳаси ҳаво кемаси саҳнида йўловчиларнинг ўзини тутиш қоидаларини қонуний асосда ва белгиланган тартибда эълон қилиш имконини беради, у саҳнда бўлган йўловчи ва мулкнинг хавфсизлигини ошириш, шунингдек, ҳаво кемаси саҳнида тартиб ва интизомни таъминлашни кўзда тутади.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини таъминлаш, автомобилларда ташиш сифати ва хавфсизлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра мутасадди идораларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ваколатлари ойдинлаштирилган.

Абдуқаҳҳор ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— *Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда жамоатчиликнинг ўрни муҳимлиги ҳисобга олиниб, қонун лойиҳаси «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки» деб номланган 9¹ модда билан тўлдирилмоқда. Унга кўра нодавлат нотижорат ташкилотларга ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш доирасида техник регламент, стандарт, меъёр, қоида ва бошқа меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ташкилий тадбирлар ўтказиш юзасидан давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига, ваколатли давлат идораларига таклиф киритиш ҳуқуқи берилмоқда.*

Кун тартибидан ўрин олган барча қонун лойиҳалари бўйича депутатлар электорат манфаатларидан келиб чиқиб, тегишли таклифлар билдирди, шу асосда ЎзХДП фракциясининг позицияси белгилаб олинди.

Икром МУСАЕВ,
ЎзХДП МК Матбуот хизмати ходими.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎзХДП: маҳаллий кенгашларида

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

фаоллиги дастурий мақсадга эришишнинг муҳим шарти. Шу боис улар ишини кучайтириш, етакчилар салоҳиятини ошириш долзарб масала

Учқун ШОЙИМҚУЛОВ,
ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, шаҳар кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Партияни партия сифатида майдонга олиб чиқадиган, жамиятда таъсир кучини оширадиган асосий таянч бошланғич ташкилотлардир. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар самарадорлигини оширишда ҳам уларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги алоҳида ўрин тутади. Бугунги давра суҳбатини ўтказишдан мақсад — қуйи бўғин билан ишлашда йўл қўйилаётган камчиликларни атрофлича таҳлил этиш, бу борадаги иш тажрибамизни янгича механизмлар билан бойитишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Бунда, аввало, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, қонунлар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган дастурлар ижросини таҳлил этиб боришда бошланғич ташкилотлар иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, бирон-бир ҳудудда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ишлаб чиқишга бағишланган йиғилиш ўтказилади. Унда, албатта, шаҳар ёки туман партия кенгаши аъзолари, депутатлар ва мутахассислар иштирок этади. Бироқ аксарият ҳолларда БПТ етакчилари назардан четда қолади. Бизнинг асосий камчилигимиз шунда. Ваҳоланки, одамларнинг кундалик муаммоларини асосан бошланғич ташкилот яхши билади. Демак, биз партия тизимининг ҳар бир йўналишига қуйи бўғинларни қамраб олишимиз лозим. Шунда ҳудудлар ривожи, электорат турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган таклифлар янада пухта ва ҳаётий бўлади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Камолиддин АКРАМОВ,
ЎзХДП Олмазор туман кенгаши раиси:

— Қуйи бўғинда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни доимий ташкил этиш, уларда таъсирчан, интерфаол усуллар, умумэътироф этилган замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш яхши самара беради.

Бироқ тан олиш керак, йил давомида партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллигини оширишга қаратилган биронбир тадбир ўтказмайдиган ёки уларни хўжакўрсинга, фақат ҳисобот учун ташкил этадиган бошланғич ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Энди ўйлаб кўрайлик, тадбирда ҳаётий масалалар муҳокама этилмаса, бундан кимга наф? Анжуманлар баҳс-мунозара руҳида, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ташкил этилса, бу партия аъзоларида қизиқиш уйғотади, уларнинг фаоллиги ошади.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Гулчеҳра КАРИМОВА,
Юнусобод туманидаги ҳудудий партия ташкилоти етакчиси:

— Аввало, бошланғич ташкилотлардаги кадрлар малакасини ошириш курслари тизимини ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман. Уларни шунчаки ўқитиш эмас, балки ташкилотчилик ва ташаббускорлик, сиёсий етакчига хос фазилатларини қарор топтириш лозим. Шунингдек, БПТларини ижтимоий шериклик асосида бошқа жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга қўйиш керак. Бу ҳам фаолиятимизни кучайтиришда муҳим ўрин тутади. Энг муҳими, қуйи бўғин етакчиларига кўпроқ эътибор қаратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш керак. Шунда у ўз кучига ишонади, астойдил ишлайди.

Давра суҳбатида БПТ етакчилари учун кўпроқ мастер-класс машғулотлари ташкил этиш, уларда етакчига қўйилаётган талаблар, фаолияти давомида нималарга эътибор бериши лозимлиги тўғрисида ҳам фикр билдирилди. Ўзўзини танқид остида ўтган тадбирда бошланғич ташкилотлар фаолиятидаги камчиликлар ва уларни қийнаётган муаммолар очиқ айтилди. Бу эса БПТлар фаолиятини такомиллаштириш учун қўл келиши шубҳасиз.

Нурали ОРИПОВ,
Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Партияларараро баҳс

ЭЛЕКТОРАТНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

либераллар томонга оғиш дегани эмас

Давлатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий моҳияти, аввало, инсон манфаатларига қаратилган бўлиб, унинг яхши яшаши, муносиб ҳаёт даражасига эга бўлишига хизмат қилади, ишлаб чиқаришни, унинг муттасил ўсиб боришини таъминлаш имкониятини кенгайтиради. Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик йўли негизида ижтимоий бозор иқтисодиёти ғояси бўлиши керак, деган қарашни илгари сурмоқда.

Айни чоғда ЎзХДП мақсадли ижтимоий сиёсат бу — аҳолининг фақат кам таъминланган ва ижтимоий заиф қатламларига мўлжалланган сиёсат, деган юзаки тушунчага қаршидир. Ҳар бир киши давлат ва жамоатчилик томонидан ижтимоий ҳимояланганини ўзига тасаввур этиши ва амалда бунинг ифодасини кўриши керак. Масалан, меҳнатга қобилиятли аҳолини ишга жойлаштиришга ёрдамлашиш, тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш ижтимоий ҳимоя ҳисобланади. Ўқув юртлари, айниқса, касб-ҳунар билим юртларини битирган ёшларни ишсизликдан ҳимоялашдан улар ижтимоий манфаат кўради. Пенсионерлар, ёлғиз кексалар, ногиронлар учун пенсия таъминотини такомиллаштириб бориш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ижтимоий ҳимоядир.

Шундан келиб чиқиб, партия дастурида аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган қатор вазифалар белгиланган. Партия фаоллари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, пенсионерлар, жисмонан имконияти чекланган кишилар учун белгиланган нафақаларнинг тўғри тақсимланишини назорат қилиш, шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ўз ишини йўлга қўйишига ёрдамлашиш борасида амалий ишларни олиб бораяпти.

Бироқ бошқа сиёсий партиялар ҳали-ҳануз ЎзХДПнинг ижтимоий-иқтисодий жараёндаги қараши ва амалий ишларига нохолис муносабатда бўлаяпти. Масалан, сўнгги пайтларда ЎзЛиДеП ва «Адолат» СДП нашрлари ЎзХДПнинг ижтимоий ҳимоя тизимидаги ғояси ва фаолиятига юзаки ёндашиб, нотўғри талқин қилмоқда.

ЎзХДП ўз электорати манфаати йўлида амалга ошираётган ишлар либераллар ғояси билан чалкаштириб юборилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш, кишиларнинг ўз ишини бошлаши, оилавий даромадини кўпайтириши учун кўмаклашиш, ноқонуний меҳнат қилаётган одамлар ишини қонун асосида ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, уларнинг яхши яшаши ва ишлаши учун муносиб шароитлар яратиб бериш — ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу либераллар ғояси ортидан эргашиш дегани эмас, балки ХДПнинг аниқ мақсадли амалий ишларидир.

> Бироқ «XXI asr» газетасида учраётган бир ёқлама қарашлар электоратимиз манфаатига зидлиги учун улар билан келиша олмаймиз. ЎзХДП электорати вакиллари орасида тадбиркорлик ва бизнес билан шуғулланмоқчи бўлганларга ЎзЛиДеП ёрдам бермаса, нима қилиш керак? Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ўз ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиши учун ЎзЛиДеП қачон ёрдам берар экан, деб кутиб турилса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди-ку.

«XXI asr» газетасида чоп этилаётган қатор мақолаларда мантиқсиз гаплар айтилмоқда. Гўёки, ХДП жойларда ўтказилаётган кўплаб тадбирлар партиямиз ўз дастуридаги позициясидан осонгина воз кечиб, тобора либераллашиб бораётганини кўрсатар эмиш. Жумладан, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ўтказилган иқтисодий форумда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар турмушини яхшилашда тадбиркорлик ривожи муҳим аҳамиятга эга экани, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратишда кичик бизнеснинг тутган ўрни ҳақидаги жозибали фикрлар бот-бот такрорлангани айтилади.

Тўғриси, либераллар ХДПнинг бу амалий ишларининг мақсади, моҳиятини англаб етмаяпти ёки тан олгиси келмай очиқ инкор этмоқда. Зангиота туманида бўлиб ўтган тадбирда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва шу орқали янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Унда 30 нафар имконияти чекланган фуқарога тижорат банкларининг имтиёзли кредит олиши учун сертификатлари топширилди. Форумда асосан кам маблағ ҳисобига ўз ишини ташкил этиш истагида юрган жисмоний имконияти чекланган кишилар иштирок этди. Эътибор беринг. Партиямиз дастурида **«ўз оиласини боқиш учун доимий иш ва барқарор даромад манбаига эга бўлмаган меҳнатга қобилиятли, олинаётган пенсия ва ижтимоий нафақалар даражаси турмуш кечириши учун етарли бўлмаган пенсионерлар, ногиронлар манфаатларини ҳимоя қилади»,** деб белгиланган.

> Хўш, ЎзХДП ўз электоратининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиб, уларни қўллаб-қувватласа, бу қатъий позициядан воз кечишми? Ахир партия дастурида унинг электорати кимлар экани аниқ қайд этилган-ку.

Бундан ташқари, Зангиота туманида ўтказилган тадбирда асосан чеварчилик, пойабзал тикиш ёки ҳунармандчиликнинг қайсидир тури билан шуғулланиш истагида юрган имконияти чекланган одамлар иштирок этди, уларга ишини йўлга қўйиши учун имтиёзли микрокредит олиш сертификати топширилди.

Яна бир жиҳати, партиямиз ўз амалий ҳаракатлари билан «Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ижтимоий ҳимоясига — устуворлик», «Иқтисодий ислоҳотларга — ижтимоий самарадорлик», «Ижтимоий хизмат кўрсатиш — юқори сифатли ва барча учун мақбул бўлсин», «Устувор ижтимоий дастурлар бажарилишининг самарадорлиги оширилсин» каби шиорларни амалиётга татбиқ этиб келаяпти. Сайловчи бу шиорларнинг ҳаётдаги аксини ҳам кўраяпти. Бироқ ЎзХДП уюштирган лойиҳалар доирасида амалий ишлар самарасини фақат ЎзЛиДеП вакиллари кўрмаётганга ўхшайди. Буни кўриш ва тан олиш учун холис бўлиш талаб этилади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

> **Аҳоли бандлигини таъминлаш, кишиларнинг ўз ишини бошлаши, оилавий даромадини кўпайтириши учун кўмаклашиш, ноқонуний меҳнат қилаётган одамлар ишини қонун асосида ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, уларнинг яхши яшаши ва ишлаши учун муносиб шароитлар яратиб бериш — ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу либераллар ғояси ортидан эргашиш дегани эмас, балки ХДПнинг аниқ мақсадли амалий ишларидир.**

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан 2008 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг бу йилги вилоят босқичи якуний паллага кирди. Беллашувларнинг навбатдагиси Андижон, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида бўлиб ўтди.

АСОСИЙ МАҚСАД —

Ватанга фидойилик, унинг равнақи йўлида хизмат қилиш

Кўрик-танловнинг Андижон вилоят босқичида 12 нафар иштирокчи ўз билим ва иқтидорини синаб кўрди.

— Йилдан-йилга танловга қатнашиш истагини билдирган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда, — дейди **«Истиқбол» ёшлар қаноти Андижон вилоят бўлими етакчиси Барно Солиева**. — Жорий йилда ҳам туман ва шаҳар босқичларида 800 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Айниқса, уларнинг юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар ва амалга оширилаётган ислоҳотлардан яхши хабардор экани бизни мамнун этди.

Танловда ҳакамлар ҳайъати тегишли шартлар бўйича иштирокчилар чиқишини баҳолаб боришди. Унга кўра, Марҳамат тумани вакили Ҳилола Мирзаева биринчи ўринни эгаллади.

— Лойиҳа тақдимоти шартида асосий эътиборни партиямиз дастурий мақсадларига қаратдим, — дейди у. — Бунда асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар манфаатларини ҳимоялашга оид таклифларни ўртага ташладим. Мазкур танловга тайёрланиш жараёнида шуни англадимки, агар етук сиёсатчи бўлишни истасак, кўп изланиш, пухта билим олиш ва ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларни чуқур таҳлил эта олишимиз лозим. «Ёш сиёсатчи» партиянинг биз каби ёш аъзоларини мустақил фикрлашга ўргатди, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш учун катта мактаб вазифасини ўтади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Танловнинг Сурхондарё вилоят босқичи ҳам қизғин баҳс-мунозара ва рақобатга бой бўлди. Вилоятнинг 100 нафардан ошиқ ташаббускор, фаол ёшлари қатнашган беллашувда ғолиблик Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Фирдавс Шариповга насиб этди.

— Кўрик-танловга «Бугунги талаба — эртанги мутахассис» лойиҳасини тақдим этдим, — дейди у. — Лойиҳанинг асосий мақсади — ҳуқуқий тизимда амалга оширилаётган либераллаштириш жараёнининг мазмун-моҳияти ҳақида ўқувчиларга кенг тушунча бериш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш. Албатта, республика босқичида ҳам юқори ўринни эгаллаш ниятидаман. Бунинг учун тайёргарликни ҳозирдан бошлашим, лойиҳамни янада такомиллаштиришим лозим.

Умид УБАЙДУЛЛАЕВ

Танловнинг Наманган вилоят босқичида шаҳар ва туман босқичи ғолибларидан иборат 9 нафар иқтидорли ёшлар иштирок этди.

Замонавий инновацион ғоялар, бизнес-режа, оилавий тадбиркорлик ва янги иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти, ижтимоий-сиёсий билимлар, нотиқлик кўникмаси ва баҳсга киришиш маданияти каби шартлар чинакам ёш сиёсатчиларни кашф этишда муҳим омил бўлди. Қолаверса, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови сиёсий билимини янада мустаҳкамлаш ниятида бўлган истеъдодлар учун тажриба мактабини ўтади.

— Туман босқичларида 100 нафардан ортиқ тенгдошларим ўз билим ва қобилиятларини синовдан ўтказди, — дейди **танлов ғолиби, Наманган педагогика институти ўқитувчиси Анасбек Мамадалиев.** — Бу босқичда иштирок этган ёшларнинг савияси, салоҳияти юқорилиги боис беллашувлар жуда қизғин ўтди. Белгиланган шартлар бўйича юқори балл тўплаб, республика босқичига йўлланма олдим.

Шунингдек, совриндорлар сафидан Норин ва Наманган тумани вакиллари Хуршида Гапирова ҳамда Сайёра Исмоилова ҳам жой олди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Ёшлар – мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи кучи!

ИШОНЧ – ИЗЛАНИШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛМОҚДА



Ёшларга ишониш, уларнинг интилиш ва изланишларига қанот бўлиш, қўллаб-қувватлаш, шарт-шароитлар яратиб бериш, ёш олимларимизни жаҳон илм-фанига интеграциялашувини таъминлаш шу куннинг муҳим масалаларидан биридир. Шунингдек, мамлакатимизда шаклланган илмий мактаблар фаолиятини янги босқичга кўтариш, устоз-шогирдлик анъаналарини янада ривожлантириш, ёш олимларни компьютер техникаси, интернет тармоқларини мукаммал билишига эришиш бугунги куннинг энг муҳим ва энг долзарб вазифасидир.

Жаҳонгир Ғафуров болалигидан илмга меҳр қўйди. Мактабда ҳам фақат аъло баҳоларга ўқиди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўқишга қабул қилинди. У ўқишни ҳам, изланишларни ҳам бир зум бўлса-да, тўхтатмади. Япон тўқимачилари сулоласи ака-ука Хожимэларнинг стипендияси соҳиби бўлди. Бакалавр йўналишини имтиёзли диплом билан якунлаб, «Йигириш технологияси» мутахассислиги бўйича магистратурага ўқишга кирди ва уни муваффақиятли тугатди.

Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлаша оладиган, компьютер дастурларининг аксариятида мукаммал ишлаш тажрибасига эга бўлган Жаҳонгир Ғафуров устозларининг ўгитларига қулоқ солган ҳолда ўз илмий ишларини давом эттирди.

У, 2007 йил Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган илмий ишлар танловининг якуний босқичида «Пахта тозалаш, тўқимачилик, матбаа, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатлари» йўналиши бўйича 1-ўрин соҳиби бўлди.

2007 йили Грециянинг Пирей технология институтида малака оширди. Худди шу йили «Пневмомеханик камеранинг ишлаш параметрларини такомиллаштириш асосида ип сифатини ошириш йўллари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори, техника фанлари доктори, профессор Қадам Жуманиёзов унга илмий ишини давом эттириш, янги йўналишларда изланишлар олиб бориш юзасидан маслаҳатлар берди.

Жаҳонгир катта илмий ходим-изланувчи сифатида (докторантурага) ўқишга кирди. Илмий изланишлари давомида 2005 йил Бельгия, 2007 йил Греция, 2009-2010 йилларда эса Жанубий Кореяда малака оширди. Шу кунгача унинг 50 га яқин илмий мақолалари соҳанинг турли журналларида чоп этилган. 2008-2010 йилларда илмий иши юзасидан Давлат дастури асосида эълон қилинган ёш олимлар учун фундаментал ва амалий лойиҳалар танловида қатнашиб, «Юқори йигириш тезликларида ип сифатини оширишнинг илмий асослари» мавзусидаги фундаментал лойиҳа ғолиби бўлди.

— **2010 йил Ислом Тараққиёт Банкининг 2011-2012 йилларга мўлжалланган** «UNDER THE IDB MERIT SCHOLARSHIP PROGRAMME FOR 6-12 MONTHS POST-DOCTORAL RESEARCH» **стипендияси танлови ғолиби бўлдим. Бу эса менга Буюк Британиянинг Манчестер университетида бир йил давомида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш имкониятини берди, — дейди ёш олим.**

— Тўқимачилик соҳасида дунёда етакчи илм даргоҳлардан бири ҳисобланган Манчестер университетида турли мамлакатлардан келган ҳамкасбларим билан фикр алмашдим. Тўқимачилик саноати ҳозирги кунда ўз ичига жуда кўп соҳаларни қамраб олган. Тўқимачилик деганда фақат кийим-кечак эмас, балки техник текстилни ҳам тушуниш керак.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун устки корпусидан тортиб, ички гарнитураларигача тўқимачилик толаларидан фойдаланиб тайёрланган композит материалларни ишлатиш мумкин. Шунингдек, чўл зоналарида қум кўчишининг олдини олишда геотекстиль усулларини кенг қўллаш зарурати пайдо бўлмоқда. Қолаверса, йўл қурилиши соҳасида ҳам тўқимачилик материалларидан фойдаланиш натижасида иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлигини фан аллақачон исботлаб берган, — дейди Жаҳонгир Ғофуров.

Истеъдодли ёшлар сафи кенг бўлган мамлакат тараққиётга эришади. Жаҳонда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлади. Буни Ўзбекистон ёшлари эришаётган жаҳоншумул ғалабалар ҳам кўрсатиб турибди.

Шуҳрат ИСЛОМОВ

Хориж

Ножўя сўзлар

ишлатилиши тақиқланди

Аслида, сўз бойлигимиз яхши ва ёмон сўзлардан иборат эканлигини инкор этиш қийин. Инсон яралибдики, ўз туйғуларини, ҳис-ҳаяжони ва ҳатто жаҳлини ҳам сўзлар орқали ифодалайди.

Лекин бугунги кунда жамоат жойларида ҳам ножоиз сўзларни айтиш айб саналмаяпти. Бу эса келажак авлод — ёшлар тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

АҚШнинг Мидлборо шаҳри маъмурияти ножоиз сўзларнинг ёшларга таъсирини камайтириш ва олдини олиш учун тақиқлов чораси сифатида янги қонун қабул қилди.

Эндиликда кимки жамоат жойларида ножоиз сўз айтса, назоратчилар томонидан жазоланади, яъни 20 доллар миқдорида жаримага тортилади.

Суякни ҳам

сунъий ўстириш мумкин

Суякни ўстириш, аслида, янгилик эмас. Шифокор олим Илизаров буни бир неча йиллар аввал исботлаган. Бугунги кунда Илизаров аппарати ёрдамида суяк ўстириш тажрибаси травматология клиникаларида кенг қўлланилади.

Аммо лондонлик шифокор олимлар суяк ўстиришнинг янгича усулини яратдилар. Бу усул тананинг турли қисмларида суяк синиши оқибатида юзага келадиган хавфли хасталикларни даволашга имкон беради.

Кашфиётга кўра, олимлар ёғ тўқималаридан олинган тана ҳужайраларидан фойдаланган ҳолда суякни ўстирадилар. Бу жараёнда суяк бир ой давомида қайта тикланиши исботланди.

Олимларнинг фикрича, тиббиётдаги бу кашфиёт орқали инсон суягининг кучли жароҳатланиш оқибатида тиклаб бўлмас ҳолатга келган қисмларини ҳам қайта тиклаш мумкин.

Уч йилда

70 та аэропорт қурилади

Хитой фуқаро авиацияси маъмурияти раҳбари Ли Цзясян баён этган маълумотга асосланиб «Market Watch» хабар тарқатишича, 2015 йилгача мамлакатда 70 та янги аэропорт қурилади ва 101 та аэропорт таъмирдан чиқарилади.

Ўтган йилнинг охирида Хитойда 180 та аэропорт фаолият юритаётганлиги расман қайд этилган.

Бундан ташқари, кейинги уч йилда авиапарклар 900 та янги самолёт билан бойитилади. 2015 йилдан кейин эса Хитой авиапарки тасарруфидаги самолётлар сони 4 мингтадан ортади. 2011 йилда улар сони 1764 та эди.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ! ПРИГЛАШАЕМ НА КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ

1.По объекту: «Капитальный ремонт помещения Ташкентского Государственного театра музыкальной комедии (оперетты)».

Стартовая стоимость заказчика: — 447 368 112 сумов с учетом НДС, 372 806 760 сумов без учета НДС.

Источник финансирования — за счет госбюджета. Срок завершения строительства — 4 месяца.

Заказчик: Ташкентский Государственный театр музыкальной комедии (оперетты)» по адресу: г.Ташкент ул. Чупонота, квартал-Ц.

2.По объекту: «Капитальный ремонт внутреннего фасада и электроснабжения Музея прикладного искусства Узбекистана в г.Ташкенте».

Стартовая стоимость заказчика: — 233 814 600 сумов с учетом НДС,194 845 500 сумов без учета НДС.

Источник финансирования — за счет госбюджета. Срок завершения строительства — 5 месяцов.

Заказчик: Музей прикладного искусства Узбекистана по адресу: г.Ташкент ул, Ракатбоши, 15.

Конкурсные торги будут проводиться среди субъектов малого бизнеса.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга – **ООО «Экспертлойихаконсалтинг». Оферты принимаются организатором торгов: по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22. тел. (+99897) 715-81-80.**

Стоимость одного комплекта конкурсных документов — сто двадцать тысяч сумов.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов – ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании заказчика.

Реклама ва эълонлар

Государственное унитарное предприятие «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

объявляет открытые тендерные торги по приобретению «Химического гранулированного антигололёдного реагента» в количестве 128 тонн для дальнейшего удаления льда и снега с территории аэродрома а/п «Ташкент» в зимний период 2012-2013 года.

КОНТРАКТНЫЕ УСЛОВИЯ:

Условия платежа: 30% предоплата в течение 20-25 дней со дня вступления контракта в силу;
70% — в течение 15-20 дней по факту поставки товара и оформления груза в импорт 40 (свободное обращение).
Валюта платежа: доллар США.
Условия поставки товара: CIP или DAP — Ташкент.
Срок поставки товара: по возможности сжатый, но не более 70-80 дней со дня проведения авансового 30% платежа.

ТЕНДЕРНЫЕ УСЛОВИЯ:

В тендере **могут принять участие** как иностранные фирмы и организации, так и отечественные производители (поставщики), выполнившие предъявляемые условия для участия в нем, имеющие опыт поставки соответствующих объемов закупаемой на тендерной основе продукции. Победитель тендера должен обеспечить сохранение стоимости контракта в теченит 12 месяцев со дня объявления его победителем.

К участию в тендере **не допускаются** организации и фирмы находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, не представившие в установленный срок все необходимые документы, ненадлежащее исполнявшие принятые обязательства по ранее заключенным договорам, учрежденные менее 6 месяцев до объявления тендера, находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиками, не отвечающие требованиям тендерной комиссии по коммерческим и финансовым показателям.

Инструкция участника тендера выдается только по поданной заявке в письменной форме на русском языке.

Претенденты, желающие принять участие в тендере, могут получить тендерную документацию, которая предоставляется каждому претенденту на платной основе. **Стоимость тендерной документации составляет 100 долларов США.**

Получение тендерной документации производится после предоставления копии платежного поручения на указанную сумму.

Резиденты Республики Узбекистан оплачивают указанную сумму в национальной валюте по курсу Национального банка на день оплаты.

Оплата за тендерную документацию **не возвращается**.

Расчетный счет в долларах США: 22696840400185981057

Расчетный счет в сумах РУз: 2696000800185981001

В ОАКБ «Asia Alliance Bank» г. Ташкента Республики Узбекистан, МФО (код банка) 01057, ИНН 200640719, ОКОНХ 51300, SWIFT: ASAC UZ 22

ЗАЯВКИ НА ТЕНДЕР И ТЕНДЕРНЫЕ ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПРИНИМАЮТСЯ ПО АДРЕСУ:

Рабочий орган Тендерной комиссии.
Куда: Узбекистан 100167, г.Ташкент, Аэропорт ГА, ул. С. Толипова
Кому: Тендерная комиссия, председателю тендерной комиссии а/п «Ташкент» Хакимову Б.И.
Телефон: (99871)140-28-88, факс (99871) 140-28-00.
E-mail: Omts.tas@uzairways.com.
Дополнительную информацию для участников тендера можно получить по следующим контактам:
Тел/факс: (99871) 255-46-59, моб. тел: (99897) 710-22-53
Срок приема заявок для участия в тендере осуществляется до 17.00 часов 9 июля 2012 года включительно.
Срок приема тендерных предложений осуществляется до 17.00 часов 20 июля 2012 года включительно.

Государственное унитарное предприятие «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

объявляет открытые конкурсные торги по приобретению «Готовой к употреблению массы для заполнения пор открытых асфальтовых покрытий марки FS» в количестве 10 тонн для устранения шелушений и поддержания эксплуатационного состояния на искусственных покрытиях аэродрома а/п «Ташкент»

КОНТРАКТНЫЕ УСЛОВИЯ:

Условия платежа: 30% предоплата в течение 20-25 дней со дня вступления контракта в силу;
70% — в течение 15-20 дней по факту поставки товара и оформления груза в импорт 40 (свободное обращение).
Валюта платежа: доллар США.
Условия поставки товара: CIP или DAP — Ташкент.
Срок поставки товара: по возможности сжатый, но не более 60-70 дней со дня проведения авансового 30% платежа.

ТЕНДЕРНЫЕ УСЛОВИЯ:

В конкурсе **могут принять участие** как иностранные фирмы и организации, так и отечественные производители (поставщики), выполнившие предъявляемые условия для участия в нем, имеющие опыт поставки соответствующих объемов закупаемой на конкурсной основе продукции. Победитель конкурса должен обеспечить сохранение стоимости контракта в течение 12 месяцев со дня объявления его победителем.

К участию в конкурсе **не допускаются** организации и фирмы находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, не представившие в установленный срок все необходимые документы, ненадлежащее исполнявшие принятые обязательства по ранее заключенным договорам, учрежденные менее 6 месяцев до объявления конкурса, находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиками, не отвечающие требованиям конкурсной комиссии по коммерческим и финансовым показателям.

Инструкция участника конкурса выдается только по поданной заявке в письменной форме на русском языке.

Претенденты, желающие принять участие в конкурсе, могут получить конкурсную документацию, которая предоставляется каждому претенденту на бесплатной основе. Получение конкурсной документации производится после предоставления заявки для участия в конкурсе.

ЗАЯВКИ НА КОНКУРС И КОММЕРЧЕСКИЕ ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПРИНИМАЮТСЯ ПО АДРЕСУ:

Рабочий орган конкурсной комиссии.
Куда: Узбекистан 100167, г.Ташкент, Аэропорт ГА, ул. С. Толипова
Кому: Конкурсная комиссия, председателю конкурсной комиссии а/п «Ташкент».
Телефон: (99871)140-28-88, факс. (99871) 140-28-00.
E-mail: Omts.tas@uzairways.com.
Дополнительную информацию для участников конкурса можно получить по следующим контактам:
Тел/факс: (99871) 255-46-59, моб. тел: (99897) 710-22-53
Срок приема заявок для участия в конкурсе осуществляется до 17.00 часов 3 июля 2012 года включительно.
Срок приема коммерческих предложений осуществляется до 17.00 часов 10 июля 2012 года включительно.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Суратда: Фарғона вилояти скрининг марказининг тажрибали шифокори Эдие Исмоилова.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Асомиддин Камилов Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинаётганини таъкидлади. Шунингдек, ўтган йиллар ичида қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида умумий қиймати 30 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағга 3172 та ҚВП асбоб-анжомлар, тиббий жиҳозлар, 90 та туман тиббиёт бирлашмалари лабораториялари диагностик аппаратлар ва жиҳозлар, 400 дан ортиқ «Damas» ва «УАЗ» русумидаги транспорт воситалари билан таъминланганлиги ҳақида ҳам маълумот бериб ўтди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳар йили 400 мингдан ортиқ ҳомиладор аёлларга ҳомиладорлиги давомида давлатимиз томонидан бепул поливитамин минерал комплекслари тарқатиб келинаётгани ўзининг ижобий натижасини бермоқда, — дейди Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази раҳбари Маҳмуда Каттахўжаева. — Шу билан бирга, репродуктив саломатлиги маркази ва унинг вилоят филиаллари репродуктив саломатликка ва соғлом оилани шакллантиришга оид масалаларда аҳолига, шу жумладан, ёшларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг тиббий билимларини янада такомиллаштириш борасида аниқ чора-тадбирлар асосида ишлар олиб борилаётганлигини ҳам айтиб ўтди.

Жумладан, ҚВПларнинг репродуктив саломатликни мустаҳкамлашдаги асосий вазифаларидан бири соғлом оилани шакллантиришга кўмаклашиш, аҳолининг тиббий савиясини ошириш, болаларни эмлаш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг, айниқса, туғиш ёшидаги аёлларни, болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш, ҳомиладор аёлларни ўз вақтида назоратга олиб, уларда аниқланган касалликларни даволаш, скрининг текширувидан ўтказиб, нохуш ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида замонавий контрацептив воситалари билан таъминлашга қаратилгандир.

Анжуманда соҳа мутахассислари, ҳозирги вақтда республикамизда 6491 нафар умумий амалиёт шифокори фаолият кўрсатаётгани, яъни бу 1999 йилдан бошлаб педиатр, терапевт, акушер-гинеколог ва бошқа мутахассислар сафидан 5000 дан ортиқ ушбу касб эгалари тайёрланганини ҳамда ушбу мутахассислар 10 ойлик курсларда умумий амалиёт шифокори ихтисослиги бўйича малакали мутахассислар томонидан ўқитилганини таъкидлашди.

Тадбирда репродуктив саломатликни асраш, тиббий хизмат сифатини ошириш, соғлом оилани шакллантиришнинг муҳим омиллари ва юқумли хасталикларнинг олдини олиш йўналишидаги чора-тадбирлар борасида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Спорт

ҲАКАМНИНГ ХАТОСИ

Англия — Украина терма жамоалари учрашуви тақдирини ҳал этди

Польша ва Украина яшил майдонларида давом этаётган XIV Европа чемпионати гуруҳ учрашувлари якунига етди. Кескин ўтган ўйинларда кўплаб кутилмаган натижалар қайд этилди.

Чемпионатнинг «С» гуруҳида, гарчи, Ирландия терма жамоаси дастлабки икки турда рақибларига имкониятни бой бериб, кейинги босқичга чиқишдан умидини узган бўлса-да, охирги турда италияликларга муносиб қаршилик кўрсата олди. Агар гуруҳнинг иккинчи учрашувида Хорватия — Испания терма жамоалари 2:2 ҳисобида дуранг қайд этишса, Италия футболчиларининг қандай ҳисобда ғалаба қозонишидан қатъи назар «плей-офф» босқичи йўлланмасидан қуруқ қолиши тахмин қилинаётганди. Аммо бу баҳсда амалдаги жаҳон чемпиони — испанияликлар катта қийинчилик билан бўлса-да, муваффақият қозонишнинг уддасидан чиқдилар — 1:0. Якунда Италия терма жамоаси ирландияликлар дарвозасини икки бор ишғол этиб, мусобақани давом эттирадиган бўлди. Энди Хорватия ва Ирландия футболчилари чемпионатнинг қолган ўйинларини ойнаи жаҳон қаршисида кузатишади.

Чорак финалнинг қолган икки иштирокчиси номи «Д» гуруҳининг учинчи тур баҳсларидан сўнг аниқланди. Унда гарчи, Франция ҳамда Англия вакилларининг имкониятлари юқори баҳоланган бўлса-да, дастлабки икки турда мағлубият аламини тортган Швеция футболчилари Европа чемпионатига шунчаки ташриф буюрмаганликларини кўпчиликнинг ёдига солиб қўйди. Францияликларга қарши кечган баҳсда Ибрагимович ва Ларссенлар томонидан киритилган икки гол шведларга муҳим уч очкони ҳадя этди.

Англия — Украина терма жамоалари учрашувида Уэйн Руни киритган ягона тўп мезбонларни курашни давом эттириш ҳуқуқинидан маҳрум этди. Бироқ 62-дақиқада ҳужумчиси Марко Девичнинг киритган голни венгриялик рефери Виктор Кашшаи ҳисобга олмади.

— Тўғри, биз бугун мағлубиятга учрадик, — деди учрашувдан сўнг, Украина терма жамоаси бош мураббийи Олег Блохин. — Аммо бундан хафа эмасмиз. Футболчиларимиз қандай иродали ва чиройли ўйин намойиш этишганини ҳамма кўрди. Агар учрашув ҳакамлари киритилган голимизни ҳисобга олишганида, балки якуний натижа ҳам бошқача бўлиши мумкин эди. Бундай жамоа билан мухлисларимиз ҳар қанча фахрланса арзийди.

Бугун мусобақанинг чорак финал учрашувлари бошланади. Унда Чехия — Португалия терма жамоалари ўзаро куч синашади. Эртага эса Германия — Греция футболчилари иккинчи ярим финалчи номига ойдинлик киритишади.

Қолган икки жуфтликда қуйидаги жамоалар майдонга тушади: Испания — Франция, Англия — Италия.

Эркин ХОЛБОБО

Реклама ва эълонлар

Государственное унитарное предприятие

«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

объявляет открытые конкурсные торги по приобретению твердой щелочи в количестве 1191,4 кг. для дальнейшего приготовления электролита, необходимого аэродромной технике а/п «Ташкент».

КОНТРАКТНЫЕ УСЛОВИЯ:

Условия платежа: 30% предоплата в течение 20-25 дней со дня вступления контракта в силу;
70% — в течение 15-20 дней по факту поставки товара и оформления груза в импорт 40 (свободное обращение).
Валюта платежа: узбекский сум или доллар США.
Условия поставки товара: CIP или DAP — Ташкент.
Срок поставки товара: по возможности сжатый, но не более 60-70 дней со дня проведения авансового 30% платежа.

КОНКУРСНЫЕ УСЛОВИЯ:

В конкурсе **могут принять участие** как иностранные фирмы и организации, так и отечественные производители (поставщики), выполнившие предъявляемые условия для участия в нем, имеющие опыт поставки соответствующих объемов закупаемой на конкурсной основе продукции. Победитель конкурса должен обеспечить сохранение стоимости контракта в течение 12 месяцев со дня объявления его победителем.

К участию в конкурсе **не допускаются** организации и фирмы, находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, не представившие в установленный срок все необходимые документы, ненадлежаще исполнявшие принятые обязательства по ранее заключенным договорам, учрежденные менее 6 месяцев до объявления конкурса, находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиками, не отвечающие требованиям конкурсной комиссии по коммерческим и финансовым показателям.

Инструкция участника конкурса выдается только по поданной заявке в письменной форме на русском языке.

Претенденты, желающие принять участие в конкурсе, могут получить конкурсную документацию, которая предоставляется каждому претенденту на бесплатной основе. Получение конкурсной документации производится после предоставления заявки для участия в конкурсе.

ЗАЯВКИ НА КОНКУРС И КОММЕРЧЕСКИЕ ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПРИНИМАЮТСЯ ПО АДРЕСУ:

Рабочий орган конкурсной комиссии.
Куда: Узбекистан, 100167, г.Ташкент, Аэропорт ГА, ул. С. Толипова.
Кому: Конкурсная комиссия, председателю конкурсной комиссии а/п «Ташкент».
Телефон: (99871)140-28-88, факс: (99871) 140-28-00,
E-mail: Omts.tas@uzairways.com.
Дополнительную информацию для участников конкурса можно получить по следующим контактам:
Тел/факс: (99871) 255-46-59, моб. тел: (99897) 710-22-53.
Срок приема заявок для участия в конкурсе осуществляется до 17.00 часов 3 июля 2012 года включительно.
Срок приема коммерческих предложений осуществляется до 17.00 часов 10 июля 2012 года включительно.

Государственное унитарное предприятие

«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

объявляет открытые конкурсные торги по приобретению «Реактивной быстротвердеющей смеси марки RA-40» в количестве 15 тонн для ремонта асфальта на территории аэродрома а/п «Ташкент»

КОНТРАКТНЫЕ УСЛОВИЯ:

Условия платежа: 30% предоплата в течение 20-25 дней со дня вступления контракта в силу;
70% — в течение 15-20 дней по факту поставки товара и оформления груза в импорт40 (свободное обращение).
Валюта платежа: доллар США.
Условия поставки товара: CIP или DAP — Ташкент.
Срок поставки товара: по возможности сжатый, но не более 60-70 дней со дня проведения авансового 30% платежа.

КОНКУРСНЫЕ УСЛОВИЯ:

В конкурсе **могут принять участие** как иностранные фирмы и организации, так и отечественные производители (поставщики), выполнившие предъявляемые условия для участия в нем, имеющие опыт поставки соответствующих объемов закупаемой на конкурсной основе продукции. Победитель конкурса должен обеспечить сохранение стоимости контракта в течение 12 месяцев со дня объявления его победителем.

К участию в конкурсе **не допускаются** организации и фирмы находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, не представившие в установленный срок все необходимые документы, ненадлежащее исполнявшие принятые обязательства по ранее заключенным договорам, учрежденные менее 6 месяцев до объявления конкурса, находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиками, не отвечающие требованиям конкурсной комиссии по коммерческим и финансовым показателям.

Инструкция участника конкурса выдается только по поданной заявке в письменной форме на русском языке.

Претенденты, желающие принять участие в конкурсе, могут получить конкурсную документацию, которая предоставляется каждому претенденту на бесплатной основе. Получение конкурсной документации производится после предоставления заявки для участия в конкурсе.

ЗАЯВКИ НА КОНКУРС И КОММЕРЧЕСКИЕ ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПРИНИМАЮТСЯ ПО АДРЕСУ:

Рабочий орган конкурсной комиссии.
Куда: Узбекистан 100167, г.Ташкент, Аэропорт ГА, ул. С. Толипова
Кому: Конкурсная комиссия, председателю конкурсной комиссии а/п «Ташкент».
Телефон: (99871)140-28-88, факс: (99871) 140-28-00.
E-mail: Omts.tas@uzairways.com8
Дополнительную информацию для участников конкурса можно получить по следующим контактам:
Тел/факс: (99871) 255-46-59, моб. тел: (99897) 710-22-53.
Срок приема заявок для участия в конкурсе осуществляется до 17.00 часов 3 июля 2012 года включительно.
Срок приема коммерческих предложений осуществляется до 17.00 часов 10 июля 2012 года включительно.

Газетанинг навбатдаги сони 26 июнь, сешанба куни чиқади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646
17078 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.10
Topshirilgan vaqti — 01.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Dilshod NARZULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5